

2018-2019 йиллар I-чорак якунларига кўра Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг асосий фаолияти бўйича кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий маълумот.


Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 й 1-чорак амалда	2019 й 1-чорак амалда	2018 йилнинг I-чорагига нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	449,6	598,4	133,1
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	74,7	202,0	270,4
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	8,3	55,8	672,2
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш ("Вилоят минтақавий йўлларга буюртмачи хизмат" ДУКлар буюртмаси билан)	млрд.сўм	19,8	23,4	109,2
		км	210	226	104,5
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	346,8	317,2	91,4
		км	480	368	76,6
5	Саноат ишлаб чиқариш	млрд.сўм	43,6	64,8	148

	ҳажми				
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	124	42	33,9
7	Қора металл чиқиндиларини топшириш	тонна	3975	3980	100,1

Кўмита тизимидаги корхона ва ташкилотларда 2019 йил I-чорагида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 202,0 млрд.сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг 2019 йилга нисбатан 270,4 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 55,8 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 672,2 фоизни ташкил қилади.

2018-2019 йилларнинг I-чорақ якунларига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг тақослама диаграммаси



2019 йил I-чорақ якуни бўйича Республикамиздаги 226,0 км минтақавий автомобиль йўлларини таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 9,4 км, Андижонда 71,0 км, Бухорода 9,8 км, Жиззахда 9,6 км, Қашқадарёда 3,7 км, Навоийда 20,3 км, Наманганда 9,7 км, Самарқандда 35,4 км,

Сурхандарёда 12,0 км, Сирдарёда 5,4 км Тошкент вилоятида 4,7 км, Фарғонада 17,8 км, Хоразмда 11,5 км ҳамда Тошкент шаҳрида 5,8 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири хажми ўтган йилга нисбатан 107,6 фоизни ташкил этади.

2019 йил I-чорак якунига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш
(худудлар кесимидаги диаграмма)



2019 йил I-чорак давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 317,2 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2018 йилига қараганда 91,4 фоизни ташкил этади.

Кўмита тизимидаги корхонлар томонидан 2019 йилда 64,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 148 %ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йилда 42 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2018 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда 33,9 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топшириш кўрсаткичи 2019 йилнинг I-чорагида 3980 тоннани ташкил этади. Бу қарийб ўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитасининг 2019 йил I-чорагида – умумий бажарилган ишлар ҳажми – 598,4 млрд. сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 133,1 % ни ташкил этганлигини кўрсатади.